



Ислом Нури

«Қай бир мусулмон кишининг балоғатга етмаган учта фарзанди вафот этса, уларга бўлган меҳр-шафқати туфайли Аллоҳ таоло уни албатта жаннатга киргизади» (Имом Бухорий ривояти).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир мусулмон кишининг балоғатга етмаган учта фарзанди вафот этса, уларга бўлган меҳр-шафқати туфайли Аллоҳ таоло уни албатта жаннатга киргизади» (Имом Бухорий ривояти).

«Қай бир мусулмоннинг учта фарзанди вафот этса, уларга бўлган меҳр-шафқати туфайли Аллоҳ таоло уни албатта жаннатга киргизади» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир мусулмоннинг учта фарзанди вафот этса, унга дўзах ўти тегмайди, фақатгина қасамни оқлаш учунгина (бироз тегиб ўтади)» (Имом Термизий ривояти).

Ҳадис шориҳлари айтишларича, «қасамни оқлаш»дан мурод – Аллоҳ таолонинг: **«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз.»** (Марям: 71) оятига ишорадир.

«Қай бир мусулмоннинг учта фарзанди вафот этса, уларга бўлган меҳр-шафқати туфайли Аллоҳ таоло уни албатта жаннатга киргизади» (Имом Бухорий ривояти).



Ислом Нури

«Қай бир аёлнинг учта фарзанди вафот этса, улар дўзахдан парда бўладилар». Бир аёл: «Иккита бўлса-чи?», деди. «Иккита бўлса ҳам», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир аёлнинг учта фарзанди вафот этса, улар дўзахдан парда бўладилар». Бир аёл: «Иккита бўлса-чи?», деди. «Иккита бўлса ҳам», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Фарзандлар қалбларнинг меваси ва дунё ҳаётининг зийнатидир. Улардан айрилиш ота-она учун катта мусибат. Катта мусибатга сабр қилишнинг савоби ҳам улуғ. Аллоҳ таоло Ўзининг раҳмати ва фазли билан бунга катта ажру-савоблар ваъда қилган.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Фарзандлардан жудо бўлишга сабр қилишнинг савоби улуғ;
2. Фарзандлардан айрилишга сабр қилиш жаннатга киришга сабаб бўлади;
3. Аллоҳ таолонинг раҳмати улуғ, фазлу марҳамати кенг.